

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШДА КАРАНТИН ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛ-ЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Алимов Муродқосим Ачилович,

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи.

Аннотация. ЖСТ га аъзо бўлиши баробарида Ўзбекистон Республикасида мавжуд фитосанитар талаблар ушбу халқаро ташкилотнинг халқаро фитосанитар талабларига мувофиқлаштирилиши лозим бўлади. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ЖСТ ташкилоти томонидан жорий этилган “Санитария ва фитосанитария чора-тадбирларига амал қилиш бўйича битим” га риоя қилиши лозим. Бунда фитосанитар талабларнинг “техник асослари” мавжуд бўлиши керак.

Аннотация. При вступлении в ВТО существующие фитосанитарные требования в Республике Узбекистан должны будут быть гармонизированы с международными фитосанитарными требованиями этой международной организации. Государственная инспекция по карантину растений Республики Узбекистан должна соблюдать «Соглашение о применении санитарных и фитосанитарных мер», введенное организацией ВТО. Фитосанитарные требования должны иметь «техническую основу».

Annotation. When joining the WTO, the existing phytosanitary requirements in the Republic of Uzbekistan will have to be harmonized with the international phytosanitary requirements of this international organization. The State Plant Quarantine Inspectorate of the Republic of Uzbekistan must comply with the “Agreement on the Application of Sanitary and Phytosanitary Measures” introduced by the WTO organization. Phytosanitary requirements should have a «technical basis».

Халқаро савдо-сотиқ жараёнида зарарли организмлар, касалликлар ва бегона ўтларнинг мамлакат ҳудудига кириб келмаслигини таъминлаш жуда муҳимдир.

ЖСТ (Жаҳон савдо ташкилоти)га аъзо мамлакатлар учун ушбу ташкилотга аъзо бўлиш жараёнидаги келишувга (келишув шартномасининг 5-моддаси) қуйидаги иқтисодий омиллар киритилган:

- Зарарли организмнинг кириб келиши, яшаб қолиши ёки тарқалиб кетиши оқибатида ишлаб чиқариш ёки савдо соҳаси қанча зарар кўришини аниқлаш;
- Импортёр мамлакатга кириб келган ва аниқланган зарарли организмнинг тарқалиш қўлами, унга қарши кураш ёки йўқ қилиш учун харажатлар миқдорини аниқлаш;
- Фитосанитар хавфни юмшатишда бошқа муқобил йўллари топиш ва афзалликларини ўрганиб чиқиш.

Бунда иқтисодий харажатлар ва экологияга келадиган иқтисодий зарар миқдори ўзгариб туриши мумкин ва зараркуналдаларга қарши кураш учун маблағлар ажратиш, уларнинг кенг тарқалиб кетмаслиги учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш давлат ички сиёсатининг бир қисмига айланмоғи зарур.

ЖСТ келишувига асосан шартномаларда келтирилган харажатларни таҳлил қилиш лозим. Бу келажакда зараркуналда ва касалликлар майдонларининг кенгайиши ва тарқалишини олдини олиш билан боғлиқ харажатларни назорат қилиш имконини беради.

Мавжуд адабиётларда халқаро қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосида фитосанитария ва санитария соҳасидаги фаолият асосан статистик маълумотлар тарзида келтирилиб, халқаро иқтисодиёт назариясини ўрганишда, иқтисодий ресурслар тақсимланишида умумий муносабатлар сифатида баён этилган.

ЖСТ га аъзо бўлиши баробарида Ўзбекистон Республикасида мавжуд фитосанитар талаблар ушбу халқаро ташкилотнинг халқаро фитосанитар талабларига

мувофиқлаштирилиши, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ЖСТ ташкилоти томонидан жорий этилган “Санитария ва фитосанитария чора-тадбирларига амал қилиш бўйича битим” га риоя қилиши лозим. Бунда фитосанитар талабларнинг “техник асослари” мавжуд бўлиши керак. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилиш жараёнидаги Ўсимликлар карантини бўйича техник жиҳатдан асосланмаган ҳар қандай талаблар “асоссиз талаблар” сифатида қабул қилиниб, ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотларини экспорт қилувчи мамлакатлар томонидан ЖСТ ташкилотига импортёр мамлакатларнинг асоссиз талаблари устидан эътироз билдиришига сабаб бўлади.

Фитосанитар соҳага оид қонунлар, фармон ва қарорлар, қоидалар, талаблар ва тартиблар тайёр маҳсулот ва соҳага оид ишлаб чиқариш ва ишлов бериш усуллари, синов, сертификатлаш назорат қилиш жараёнлари, ўсимлик маҳсулотларини етиштириш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, лаборатория таҳлиллари учун намуна олиш тартиблари ва фитосанитар хавф таҳлиллари билан боғлиқ талаб қилинадиган карантин қоидалари ҳамда маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш мақсадидаги қадоқлаш-маркировкалаш жараёнларига оид ҳужжатлар барчаси норматив ҳужжатларни ташкил этади.



Фитосанитар хавф таҳлили (АФР) ўсимликлар карантини бўйича техник асос бўлиб хизмат қилади. Халқаро талаблар ва нормалар доирасида илмий асосланган ва расмийлаштирилган фитосанитар хавф таҳлиллари ушбу зарарли ҳашарот, касаллик ёки бегона ўт ва бошқа организмларни карантин организмлар рўйхатида киритиш ва фитосанитар чора-тадбирларни қўллаш учун асос бўлади. Шу сабабли фитосанитар хавф таҳлили ўсимликлар карантинида ва уларни зарарли организмлардан ҳимоя қилишда халқаро ва миллий фитосанитар ташкилотлари иш жараёнида энг муҳим механизм бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда амал қилаётган карантин организмлар рўйхати ва фитосанитар талаблар халқаро талаблар даражасида бўлиши лозим.

1947 йилда тузилган халқаро битим - GATT(ing. General Agreement on Tariffs and Trade) нинг давомчиси Жаҳон савдо ташкилоти ҳисобланади.

1979 йилда Савдо ва таърифлар тўғрисидаги умумий келишув доирасида “Халқаро савдода техник тўсиқларни бартараф этиш юзасидан битим” имзоланиб, ҳар бир суверен давлат ўз ҳудудларини фитосанитар хавфсизлигини таъминлаш билан бирга улар томонидан ишлаб чиқилган ва амал қиладиган фитосанитар (санитар ва ветеринар) чора-тадбирлар асоссиз равишда давлатлар- аро қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдосига тўсиқ бўлмаслиги белгиланди ва “техник асослаш” тушунчаси пайдо бўлди.

Кейинчалик ўтган асрниг 80-йилларига келиб фитосанитар хавф таҳлилининг асосий этаплари, асослаш учун қандай маълумотлардан фойдаланиш кераклиги, фитосанитар хавф таҳлилларини ишлаб чиқиш ва миллий стандартларни халқаро фитосанитар талабларга мувофиқлаштиришда ҳамда ўсимликлар карантини фаолиятидаги ўрни ҳақида маълумотлар, услублар пайдо бўлди.

1995 йил аъзо давлатлар ўртасидаги халқаро савдони либераллаштириш, савдо ва сиёсий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ВМТ тизимида ЖСТ расмий ташкилот сифатида ташкил этилган. 133 мамлакат тўла ҳуқуқли аъзо, 30 мамлакат, шу жумладан Россия, Ўзбекистон ва Қозғистон кузатувчи мақомига эга бўлиб 1992-93 йилларда ташкилотга аъзо бўлиш учун ариза берган.

Жаҳон савдо ташкилотининг беш тамойили қуйидагича:

- Савдода дискриминация йўқлиги;
- Савдо тўсиқларини камайтириш;
- Халқаро савдода рақобатбардошликни ошириш;
- Ривожланиш жараёнидаги мамлакатлар учун халқаро савдода имтиёз;
- Савдо шартларини прогнозлаштириш ва уларнинг барқарорлиги.

1990 йилларда фитосанитар хавф таҳлили бўйича ишлар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича Европа ва Ўрта ер денгизи мамлакатлари, Карантин ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича Шимолий Америка, Жанубий Америка Коно Сур фитосанитар комитети ва Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича Тинч океани ва Осиё Комиссияси каби минтақавий ташкилотларда ФХТ бўйича минтақавий ва халқаро стандартлар ва замонавий тизим жорий этила бошланди. Ҳозирги

кунда кўпгина мамлакатлар ЖСТ, ЕИ ва бошқа халқаро ташкилотларга ҳамда савдо бирлашмаларига аъзо бўлиши учун аъзолик шартларидан бири сифатида ФХТ ни ўтказиш юзасидан экспертлар гуруҳини тузиши талаб этилади.

Зарарланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки зарарланган маҳсулотни импорт қилиш зарарли организмлар тарқалиб кетишига сабабчи бўлади. Зарарланиш зарарланган маҳсулотни олиб кирган ёки ишлаб чиқарган мамлакат билан чекланиши мумкин, шу билан бирга экспортёр ва импортёр мамлакат иқтисодига биргаликда таъсир кўрсатиши мумкин, баъзида глобал таъсирга эга бўлиши мумкин. Зараркунанда ва касалликларнинг атроф-муҳитни зарарлашига қараб қуйидаги иккита ҳусусияти мавжуд:

а) турларнинг географик тарқалиши, зараркунандалар ва касалликларнинг ташқи таъсирининг пайдо бўлиши ва уларнинг савдо йўли билан тарқалиш механизми, зарарланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки импорт қилиш натижасида юзага келадиган зарарланишнинг мавжуд шакллари билан фарқ қилиши;

б) зараркунандалар ва касалликлар билан боғлиқ ташқи омиллар статик муаммолар эмас. Улар вақт ўтиши билан ривожланади ва тегишли савдо сиёсати буни ҳисобга олиши керак. СФС сиёсатининг иқтисодийёти уларни назорат қилувчи ташкилотлар иқтисодийёти билан боғлиқ. Қарши курашиш керак бўлган зараркунандага қарши оптимал ички назоратни ва уни йўқ қилиш самарали ёки самарасиз бўлган шароитларни ҳисоблаб чиқиш керак.

Зараркунандалар популяцияси савдода муҳимдир. Кириш хавфи мавжуд эмас деб тахмин қилинган организмлар савдо сиёсатида аҳамияти йўқ. Инвазив зараркунанда ва касалликлар кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш ёки уларни йўқ қилгандан кейин қайта тарқалиш имкониятини ҳисобга олиш керак. Вақт ўтиб зарарли организм тарқалиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда оптимал савдо сиёсатини шакллантириш йўллари қидириш лозим.

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси минтақавий ташкилотлари (РЎҚХТ)- бу миллий ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилотлари (МЎҚХТ) фаолиятини минтақавий тартибга солувчи орган сифатидаги давлатларaro ташкилотдир.

Жаҳон ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилотига аъзо бўлган миллий ташкилотларининг ҳаммасиям минтақавий ташкилот аъзоси эмас, ёки аксинча минтақавий ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилоти аъзолари ҳаммасиям Жаҳон ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилоти аъзоси эмас. Шунингдек, миллий ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилотлари баъзи давлатларда биттадан кўп минтақавий ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилоти аъзоси бўлиши мумкин.

Жаҳон ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилоти (ЖЎҚХТ) низомининг IX-бандида Минтақавий ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилотлари ЖЎҚХТ томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш соҳасидаги барча

Ҳозирги даврда дунёда 10та минтақавий ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилоти (RPPPO) фаолияти йўлга қўйилган:

- Осиё ва Тинч океани ўсимликлар карантини ва ҳимояси комиссияси (APPPC. 25 та давлат аъзо. 1955 йилда ташкил этилган.).
- Кариб ҳавзаси мамлакатлари ўсимликлар карантини ва ҳимояси комиссияси (CPPC. 1967 йилда ташкил этилган. 22 та мамлакат аъзо).
- Анд жамияти (1969 йилда ташкил этилган 5 та давлат аъзо бўлган).
- Ўсимликлар соғлиги бўйича Жанубий Конус Қўмитаси (COSAVE, 1989 йилда ташкил этилган 5 та давлат аъзо).
- Европа ва Ўртаер денгизи ҳавзаси ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилоти (ЕОКЗР Конвенцияси 1951 йил-15та мамлакат. Ҳозирда 52 та мамлакат аъзо.).
- Африка давлатлари фитосанитар кенгаши (МАФС 1956 йилда ташкил этилган 16 мамлакат аъзо).
- Яқин Шарқ мамлакатлари ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилоти (NEPPO 2009 йил ташкил этилган. 10 та давлат аъзо).
- Шимолий Америка ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилоти (NAPPO 1976 йилда ташкил этилган 3 та мамлакат аъзо.).
- Ўсимликлар ва ҳайвонлар соғлиги бўйича Халқаро минтақавий ташкилоти (OIRSA 1953 йилда ташкил этилган. 9 та мамлакат аъзо).
- Тинч океани ҳавзаси давлатлари ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилоти (TRPPO 2017 йилда ташкил этилган. 11 та мамлакат аъзо).

фаолиятида иштирок этиши белгиланган.

Ушбу бандда РЎҚХТ мажбуриятлари шунингдек, ЖЎҚХҚ секретариати ва Комиссияси билан фитосанитар чора-тадбирлар ва халқаро стандартлар ишлаб чиқиш бўйича ҳамкорлик юзасидан мажбуриятлари белгиланган. Шу тўғрисида ЖЎҚХҚ низомида белгиланган вазифаларни амалга оширишда минтақавий ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилотлари муҳим рол ўйнайди.

Жаҳон ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилоти (ЖЎҚХҚ) низомининг IX-бандида минтақавий ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилотларининг асосий функциялари сифатида қуйидагилар белгилаб қўйилган:

- ЖЎҚХҚ мақсадларини илгари суриш ва амалга ошириш учун РЎҚХТ га аъзо бўлган миллий ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ушбу йўналишдаги тадбирларда иштирок этиш;
- Фитосанитар чора-тадбирларни уйғунлаштиришни таъминлаш учун минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш;
- ЖЎҚХҚ фаолиятига оид соҳаларга таъълуқли ахборотларни тўплаш ва уларни тарғибот қилиш;
- ЖЎҚХҚ секретариати ва комиссияси билан фитосанитар чора-тадбирлар ва халқаро стандартлар ишлаб чиқиш бўйича ҳамкорлик.

Ҳар бир РЎҚХТ фитосанитар чора-тадбирлар ва уларни уйғунлаштириш юзасидан зарарли организмларнинг тарқалишининг олдини олиш ва олиб кириш, шунингдек, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан

ўз дастури бўйича тадбирларини амалга оширади. Ҳар йили ЖЎҚХҚ котибияти ва МЎҚХТ вакиллари иштирокида техник консультациялар ўтказилади. Бугунги кунгача 21 та техник консультация ўтказилган.

Ҳар бир РЎҚХТ фитосанитар чора-тадбирлар ва уларни уйғунлаштириш юзасидан зарарли организмларнинг тарқалишининг олдини олиш ва олиб кириш, шунингдек чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан ўз дастури бўйича тадбирларини амалга оширади. Бунда ЖЎҚХҚ билан ҳамкорликда ишлар ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий ўсимликлар карантини ташкилоти ҳозирда Европа ва Ўрта ер денгизи ҳавзаси ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилоти аъзоси ҳисобланади. Миллий фитосанитар чора-тадбирлар ва стандартлар ва норматив ҳужжатларни халқаро стандартлар ва фитосанитар чора-тадбирларга уйғунлаштириш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Юқорида келтирилган регионал ўсимликлар карантини ва ҳимояси ташкилотларининг фаолиятини ўрганиш ва уларнинг тажрибаларини амалиётга тадбиқ этиш, айниқса Анд давлатлари келишуви интеграциясини сақлаб қолиш, унинг аъзолари ўртасида умумий вазифалар, интеграция аъзолари ва иқтисодий, илмий, илмий-техник ва маданий соҳадаги аниқ чораларнинг мавжудлиги билан осонлашди. Ушбу тажриба МДХ мамлакатлари ичидаги турли иқтисодий бирлашмаларнинг ўзаро муносабатларида ва МДХ давлатларининг бошқа халқаро ташкилотларда иштирок этишида фойдали бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. General Council decision, November 1996, "Agreements between the WTO, IMF and World Bank.
2. The WTO in global economic policy-making.
3. For more information, visit the IPPC website.
4. European and Mediterranean Plant Protection Organization.
5. Принципы комплексного управления границами во внешнем сотрудничестве Европейской Комиссии.
6. Regional Plant Protection Organizations, website.



Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ўсимликлари доимий равишда турли касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар, ҳашаротлар, каналар ва нематодалар томонидан зарарланади. Зарарли организмларга муваффақиятли қарши кураш тадбирларини амалга ошириш учун олдин уларни тур таркиби идентификация қилиниши керак. Ушбу йўриқномада ўсимликларнинг зарарли организмлари ва улар зарар етказган ўсимликлардан намуналарини йиғиш, сақлаш ва ташхис учун лабораторияларга юбориш бўйича қўйиладиган асосий талабларнинг тавсифи келтирилади.

ТАШХИС УЧУН ЎСИМЛИК КАСАЛЛИКЛАРИ, ЗАРАРКУНАНДА ҲАШАРОТЛАР ВА НЕМАТОДАЛАРНИНГ НАМУНАЛАРИНИ ЙИҒИШ, САҚЛАШ ВА ЮБОРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР

Хакимов Альберт Ахмедович,

Тошкент давлат аграр университети тадқиқотчиси (DSc), доцент,

Хусенова Нодира Нутфиллаевна,

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси ИТИ катта илмий ходими,

Омонлиқов Алишер Уразалиевич,

Тошкент давлат аграр университети катта ўқитувчиси,

Утаганов Самад Бобомурод ўғли,

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси ИТИ илмий ходими.

Аннотация. Ўсимлик касалликлари ва зараркунандалари диагностикаси ва турлар идентификациясида олинган намунанинг сифати ҳамда намуна олган шахс томонидан тақдим этилган маълумотлар катта аҳамият касб этади. Ушбу мақолада ташхис учун ўсимлик касалликлари, зараркунанда ҳашаротлар ва нематодаларнинг намуналарини йиғиш, сақлаш ва юбориш бўйича кўрсатмалар келтирилган. Яъни Ўсимлик намуналарини йиғиш, Ҳашаротлар намуналарини йиғиш, Ўсимлик ва ҳашаротлар намуналарини қадоқлаш, Намуналар йиғиш ҳисоботи, Намуналар олиш билан боғлиқ алоҳида мулоҳазалар, Намуналарни тақдим этиш қабилад бўйича маълумотлар ёритилган.

Калит сўзлар: ўсимлик касалликлари, зараркунанда ҳашаротлар, нематода, намуналарни йиғиш ва сақлаш.

Аннотация. Для диагностики и идентификации болезней и вредителей, качество взятой образцов и информация предоставленная лицом, берущим пробу имеют большое значение. В этой статье представлены рекомендации по сбору, хранению и транспортировке образцов болезней растений, насекомых-вредителей и нематод для диагностики. То есть содержится информация о сборе образцов растений, сборе образцов насекомых, упаковка образцов растений и насекомых, отчете о сборе образцов и подаче образцов.

Ключевые слова: болезни растений, насекомые-вредители, нематода, сбор и хранение образцов.

Annotation. The quality of the sample and the information provided by the person taking the sample are of great importance in the diagnosis and identification of plant diseases and pests. This article provides guidelines for collecting, preserving, and shipping samples of plant diseases, insect pests and nematodes for diagnosis. That is, information on Collecting plant samples, Collecting insect-pest samples, Packaging plant and insect samples, Report on the collecting sample, Special considerations for sampling and Sample submission are covered.

Keywords: plant diseases, insect-pests, nematodes, sample collecting and preserving.

Ўсимлик намуналарини йиғиш

Зарарланиш белгилари бўлган кўпроқ ўсимлик намуналарини текширинг. Касалланган ўсимликлар одатда бир ёки бир неча патоген микроорганизмлар билан инфекцияланган бўлиши мумкин, шунингдек абиотик омиллар ҳам касаллик белгиларини ҳосил қилади. Зарарланган ўсимликларда кўпинча бир неча хил касаллик симптомлари ҳосил бўлиши

мумкин. Маълум бир касаллик бир тур экинда ўзининг барча симптомларини ҳосил қилмаслиги, шунингдек бир касаллик натижасида ўсимликнинг бир неча аъзолари зарарланиши кузатилади. Касаллик белгиларини аниқлаш учун ўсимликни барча асосий органларини: илдиз, поя, барг ва гулларни текширинг. Зарурат туфайли турли ўсимлик органларидан намуналарни тўпланг. Бир вақтнинг ўзида бир неча касал-